ЎЙИНГОҲДА НИКОҲ ТЎЙИ

ФАРҒОНА. Яқинда Боғдод туманидаги "Боғдод"чи ўйингоҳи одамлар билан тўлди. Лекин томошабинлар футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати биринчи лигасида қатнашаётган "Боғдод"-чи футбол клубининг ўйинига келмаган эдилар. Бу сафар ўйингоҳда клубнинг энг яхши ҳужумчиларидан Зайнобиддин Бурҳонов билан футбол жамоаси котибаси Нигорахон Эргашеваларнинг никоҳ тўйи бўлиб ўтди. Ажаб эмас, футбол жамоасида пайдо бўлган бу ёш оилада ўзининг Марадона ва Пеле лари туғилса.

Алишер ИБОДИНОВ.

Арнасойдаги "Назарбек" деҳқон-фермер хўжалиги теримчиси Нигора Восиева.

"ТАШАББУС" КЎРСАТУВЛАРИ

НАМАНГАН. Вилоятда янги очилган телевизион студияни мутасаддилари "Ташаббус" деб атадилар. Янги студия реклама ва тижоратдан ташқари вилоят тадбиркорлари фаолиятини ҳам изчил ёритишга мўлжалланган. Республика "Бизнес-фонд" жамғармаси вилоят бўлими ҳамда "Мадад" суғурта компанияси тележурналистлари билан бу борада фаол ҳамкорлик қилмоқда. Ҳафтанинг душанба ва жума кунлари эфирга чиқаётган студиянинг мухлислари Фарғона водийсида кўпайиб боряпти.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

СЎНГГИ СОАТДА

ЗАРДЎЗЛАР СОВҒАСИ

БУХОРО. Кўҳна шаҳарда темурийлар даврида бунёд этилган осори-атиқалар, тарихий ёдгорликлар талайгина. Бугун улар маҳаллий усталар меҳнати эвазига улуғ бобокалонимиз юбилейи шарофати билан қайта яшаряпти. Шаҳарнинг косиб-ҳунармандлари, каштакору зардўзлари ҳам халқ усталари сингари улуғ саркардага ҳурмат-эҳтиром рамзи сифатида юбилей совғалари ҳозирлашяпти. Етти иқлимга номдор, машҳур зардўз Бахшулло Жумаев раҳбарлик қилаётган "Совға" хусусий зардўзлик маркази чеварлари Амир Темур сиймоси туширилган паннони тикдилар. Зардўзлик саньатининг 18 туридан фойдаланиб тикилган бу саньат асари соҳибқиронинг Тошкентда очиладиган музейига совға қилинди.

Даврон БАҲРОНОВ.



Шаҳрисабзда буюк Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллигига тайёргарлик ниҳоясига етмоқда. Суратда: Оқсарой таъмирловчиси уста Аҳад Аҳмаджонов.

МАҲАЛЛА — СПОРТ МАСКАНИ

СИРДАРЁ. Гулистон шаҳридаги "Ёшлик" маҳалласида спорт мухлислари талайгина. Бу ерда спортнинг катор турлари оммавийлашиб бормоқда. М. Солиҳова етакчилик қилаётган волейболчилар жамоасининг довруғи бунга мисол. Маҳаллада яқинда ёшларнинг яна бир севимли маскани пайдо бўлди. Бу ерда ёшлар ва ўсмирлар клуби очилди. Унга "Орзу" деб ном қўйдилар. Ҳозир шаҳардаги кўпгина маҳаллаларда ана шундай клублар мавжуд.

Абдужалил УМАРОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 12 октябрь, шанба № 132 (22.053).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ПАХТА — ЎЗБЕКНИНГ ЮЗИ

Бизнинг шарҳ

«Халқимизнинг ғурури, бахти, юзининг ёруғлиги, қаддининг тиклиги — пахтадан. Деҳқон кўкламдан кузгача пахта билан нафас олади, пахта дарди билан яшайди». Бу сўзларни «Тонг юлдузи» қиссаси сўзбошисидан олдим ва ўйланиб қолдим: нега халқимизнинг миллий ғурури бўлган пахта, пахтакорлар ҳақида бор овоз билан ёзишга кейинги пайтларда ийманиброқ турибмиз. Нечун? Ахир Қайсин Қулиев ўз юрти тошларини ёзиб машҳур бўлганини эсдаликларида қайд этган эди-ку. Ёки Леонид Леонов ўрмонга бой ўлкасини «Рус ўрмони» асарида дунёга танитди. Бизда кейинги пайтда Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар»идан бошқа эсда қоладиган асар учратолмадим. Одамлар тош, дарахтларини дунёга достон қилганда бизда «Ўзбек пахтаси» деган эпопея яратилса бўлмайдими?!

Бу фикрлар Президентимиз Ислом Каримовнинг Тошкентда куни кеча бўлиб ўтган пахта бўйича Халқаро маслаҳат қўмитасининг 55-ялпи мажлисида сўзлаган нутқи таъсирида туғилди. Жаҳоннинг энг нуфузли вакиллари, ҳатто Нью-Йорк пахта биржаси вакиллари пахта Ватани-Ўзбекистонимизга ташриф буюргани, Америка, Британия фирмалари ва компанияларининг биз билан ҳамкорликда бажонидил иш олиб боришаётгани қалбимизда ҳақли равишда ғурур уйғотади. «Бизнинг пахтамиз Европада етакчи ўринни эгаллаб, Жанубий Америка ва Жанубий-Шарқий Осиёда етиштирилган тола билан муваффақиятли равишда рақобат қилмоқда, АҚШ бозорига чиқиб олди», — деди юртбошимиз. Мустақилликнинг иккинчи йилидаёқ мамлакатимиз ана шу — пахта бўйича Халқаро маслаҳат қўмитасига аъзо бўлгани аҳамиятини яққол ҳис этиб турибмиз. Биринчидан, чет эллар билан қимматли илмий-техника ахборотларини айирбош қиламиз. Иккинчидан, пахта етиштириш ва сотишнинг жаҳон тажрибаси марказига чиқиб олдик. Учинчидан, бу нуфузли қўмита мамлакатимизда пахта етиштиришни қайта қуриш лойиҳасини ишлаб чиқдики, бу бизга пахта истиқболи лойиҳасини тезроқ амалга ошириш билан бевосита шуғулланадиган агентлик тузишимизга асос солди. Қолаверса, энди биз пахта толасини экспорт қилиш бўйича жаҳонда эгаллаб турган иккинчи ўринни сақлаб қолиш имкониятларига эгамиз. Бунинг учун пахта таснифи, маркетингнинг илғор усулларини эгалламоқдамиз, пахта сертификат омборлари қуришни мўлжаллаб турибмиз.

Қисқаси, мустақиллик шарофати билан биз ўтган беш йил ичида пахтачилик соҳасини ривожлантиришнинг стратегиясини бутунлай қайта кўриб чиқдик. Бу — пахтачилик тарихида биринчи бор олға ташланган дадил қадам бўлди. Қаранг: пахта яккаҳокимлигини тугата бориб, 1,3 миллион тонна рақобатбардошли тола ишлаб чиқариш ҳажмини сақлашга эришдик. Пахта майдонларини камайтира боришимиз эса дон етиштиришни уч баравардан зиёд кўпайтириш имконини бердики, бу яқинда Ўзбекистоннинг дон мустақиллигини ҳам таъминлайди.

Президентимиз Ислом Каримов Нью-Йоркда БМТ-нинг Бош Ассамблеяси 48-сессияси мўътабар минбарида туриб сўзлаган катта нутқини: «Ўзбек халқини инсониятнинг ягона оиласида осон бўлмаган, аммо буюк келажак кутаётганлигига ишончимиз комил!» деган сўзлари билан ниҳоясига етказганида ноёб бойлигимиз — пахтамиз, пахтакорларимиз ҳам буюк истиқболини кутаётганлигини назарда тутганликларига имонимиз комил.

Ҳамид ИКРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» газетаси шарҳловчиси.

Иқтисодиёт олами

РЕСПУБЛИКА ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида 1996 йил 11 октябрда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг ҳорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклари иштирок этди.

Сотув ҳажми 19,71 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати 40,05 сўм даражасида қайд этилди.

Ваколатли банклар эркин муомаладаги нақд валютани айирбошлаш шаҳобчалари орқали сотишда уларнинг сотиш ва харид қилиш қийматини талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилайдилар. Валютани аҳолидан сотиб олишда воситачилик ҳақи олинмайди.

МЕҲНАТ БОЗОРИ ЯРМАРКАСИ

Яқинда Паркентда меҳнат бозори ярмаркаси бўлиб утди. Туман меҳнат биржаси ҳамда «Камолот» жамғармасининг туман бўлими билан ҳамкорликда уюштирилган ушбу тадбирда 22 та корхона ва ташкилот, ундан ортиқ жамоа хўжалиги иштирок этди.

Ушбу ярмаркани ўтказишдан асосий мақсад — бугунги кунда тумандаги ишсизлар сонини камайтириш, уларнинг қандай касб танлашга муҳтож эканликларини билишдан иборат эди.

Қургазмада рўйхатга олинган 78 ишсиздан 38 нафари ишга жойлаштирилди. Тумандаги биргина тўқимачилик корхонаси жамоаси сафига ундан зиёд ишчи-хизматчи қабул қилинган бўлса, «Устоз-шогирд» курсларига ҳам 15 киши қабул қилинди. Янги қабул қилинганларнинг кўпчилиги ёшлар бўлиб, улар бу ерда сандиқчи, тикувчи, радио-телевизор усталари бўлиб етишадилар.

Соҳибжон САЛИМОВ.



Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

КОСОНСОЙДАГИ ЯНГИ БОЗОР

РЕГИСТОН УЗРА ТОНГ

Йўловчи, томошабин, сайёҳ бир зум тўхтаб қолди. Сув қуйгандек жимлик. Ҳозиргина келтирилган Соҳибқирон бобомизнинг қўшқда ўтирган алфоздаги ҳайкалининг салобати тутган. Ҳамма термулади. Ўйга толади. Регистон узра ғира-шира отаётган тонг ҳам эҳтиёт-ла ёришади гўё...

— Самарқанд Соҳибқирон Амир Темур давридаги чиройга, нуфузига қайтди. Тўй баҳона қанчадан-қанча иншоотлар қурилди. Масжид, мадрасалар таъмирланди.

Бу халқнинг, буюк ўзгаришларни кўриб турган элнинг гапи.

Ён-веримизга қараймиз. Кўчалар саранжом-сариштa. Бир ёқда эса битай-битай, деб қолган кошинлар, фавворалар охирги юмушлар қилиняпти. Соҳибқирон бобомизнинг ҳайкаллари қўйиладиган бош майдон айниқса гавжум. Уста, наққош, пайвандчиларнинг қўли-қўлига тегмайди.

— Агар шу шиддатда ишлайверсак ҳализамон битказамиз, — дейди мармар қуювчи уста Облоберди Матмусаев. — Зоиржон Жўрабоев, Тўлқин Муҳаммадалиев, Ҳасанбой Матмусаев, Турсунали Раҳмонов бир бригада бўлиб ишлаймиз.

— Қайси ташкилотдансизлар? — сўраймиз Облобердидан.

— Учкўприк туманидаги 103-СПМК данмиз. Олдин бобомизнинг Тошкентдаги музейлари қурилишида эдик. Уч кундан буён шу ердамиз.

Катта тўй мамлакатимиз бўйлаб кенг ёйилганининг исботи эмасми бу?! Негаки, юртимизнинг ҳамма чеккасидан усталар, мутахассислар қурувчилар Самарқандда йиғилдилар. Ўз ҳиссаларини қўшишга ошиқдилар.

— Биз Янгиқўрғон туманидаги Исковот, Заркент қишлоқларидан келдик, — дейишди рассом Аҳаджон Акмалов, Фарҳод Муборaков. — Шерикларимиз «Бибихоним», «Гўри Амир», «Регистон» ёдгорликларида ишлаяпти.

Қўли гул бу йигитларнинг санъатини томоша қиламиз. Аҳаджон, Фарҳод «Руҳобод» масжидининг эшикларини жуда эҳтиётлаб сайқаллайди. Мустабид тузум касофатидан уриниб қолган ўймакор нақшларга умр улашади. Эшикдаги чанг-чунг туфайли билинмай кетган битиклар юзини очади.

... «Руҳобод»жомеъси ҳам тарихдан қолган из.

Уни Соҳибқирон Амир Темур устозларидан бири — Саййид Бурҳониддин Қилич Соғарчи шарафига қурдирган. Жомеъ саганасида ўн бир қабр бўлиб, Саййид Бурҳониддин Қилич Соғарчи ва ул зотнинг авлодлари қўйилган.

«Руҳобод» деб номланганлиги ҳақида шундай ривоят эшитдик.

Ул Зот барча ноз-неъматлардан воз кечиб, бир кафт арпа истеъмол қилишни афзал биладилар. Умрларининг охиригача шу одат тарк этилмабди. Бунинг сабабини сўраганларида айтган эканлар.

«Саййид Бурҳониддин Қилич Соғарчи бу дунёдан ўтгач унинг руҳи истеъмол қилганим — арпа пўчоқлари устида обод бўлади».

Бир пайтлари омборхонага айлантирилган «Руҳобод» мустақиллик туфайли обод бўлганининг ўзи бир суюнч.

— Илгари нарироқда «Электромеханика» заводи бор эди. Шу боис бу ерда муқаддас обида мавжудлигини кўрмаганман: олди тўсиб қўйилганди-да. Бобомизнинг 660 йиллик тўйлари баҳона масжиднинг атрофи очилди.

Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг фалсафа кафедраси муаллими Сайдазим Равшанов яна қўшиб қўяди:

— Қанча савоб бўлса шу ерга тўкилди.

Домланинг айтгани рост бўлсин. Аждодлари руҳини обод қилаётганлар қўли дард кўрмасин.

... Регистон узра тонг отди. Бу Соҳибқирон қайтган қутлуғ тонг, тарихий тонг эди...

Қурбон АЛИ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

РЕСПУБЛИКА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ КОМИССИЯСИДА

Республикамизда доимий фаолият кўрсатувчи айирбошлаш шоҳобчалари тармоғи вужудга келтирилган. Мазкур шохобчалар уларнинг узлуксиз ишлашига имкон берадиган даражада пул маблағлари билан таъминламоқда.

Бироқ, айрим валюта айирбошлаш шохобчаларида валюта-айирбошлаш операцияларини амалга ошириш қоидаларининг жиддий равишдабузилишига йўл қўйилган. Аниқланган камчилик ва суиистеъмолликлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилмоқда.

Шу муносабат билан валюта-айирбошлаш операцияларини амалга ошириш учун марказлаштирилган тартибда эркин муомаладаги валюта ресурслари билан таъминланадиган ваколатли банклар сонини 12 тадан 2 тага қисқартириш мақсадга мувофиқ деб топилди. Эндиликда бундай ваколат фақат Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва «Ўзсаноатқурилишбанк»ига берилган. Юқорида кўрсатиб ўтилган нақд ҳолдаги қўшимча валюта маблағларини олувчи айирбошлаш шохобчалари сони тегишли равишда 95 тадан 39 тага қисқартирилади, шундан 23 айирбошлаш шохобчаси Тошкент шаҳрида жойлашган.

Шу билан бирга айирбошлаш шохобчалари орқали сотиш учун ажратиладиган давлат валюта ресурслари ҳажми олдинги даражада сақланиб қолади. Қолган айирбошлаш шохобчалари ўз фаолиятларини тухтатмайдилар ва ўз ваколатли банкларининг валюта ресурслари доирасида ишлайдилар.

Мазкур чоралар валюта-айирбошлаш операциялари устидан назоратни кучайтириш мақсадида амалга оширилмоқда. Марказий банк, ваколатли банклар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан мазкур масалада зарур тартибни ўрнатиш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Тошкент шаҳрида ва ҳудудларда жойлашган ҳамда марказлаштирилган тартибда эркин муомаладаги валюта билан таъминланадиган айирбошлаш шохобчаларининг манзиллари илова қилинади.

Тошкент шаҳридаги марказлаштирилган тартибда маблағ билан таъминланадиган айирбошлаш пунктларининг ЖОЙЛАШИШИ

Т/р	Рўйхатга олиш номери	Банк муассасасининг номи	Манзили: Туманлар	
		ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК		
1	0531	Собир Раҳимов бўлими	Собир Раҳимов	А. Бобожонов к., 100
2	0524	Акмал Икромов бўлими	Акмал Икромов	Фарҳод к., 12 а
3	0505	Чилонзор бўлими	Чилонзор	Бульварная -Ц к.
4	0513	Сирғали бўлими	Сирғали	Проектная Г-38 к.
5	0515	Сирғали бўлими	Сирғали	почта бўлимида
6	0501	Ҳамза бўлими	Ҳамза	Гоголь Ц-16
7	0523	Юнусобод бўлими	Юнусобод	Амир Темур к. 89
8	0520	Миробод бўлими	Миробод	Туркистон к. 10
9	0502	Яккасарой бўлими	Яккасарой	У. Носир к. 61
10	0539	Қатортол бўлими	Чилонзор	Қатортол к. 30
11	0506	Авиасозлар бўлими	Ҳамза	М. Ҳасанова к. 5
12	0517	Ракат бўлими	Яккасарой	Горбунова к. 2а
13	0566	Шахристон бўлими	Юнусобод	Чинобод к. 49
14	0509	Нодирабегим бўлими	Шайхонтоҳур	Ц-14, 19-уй
15	0575	Меҳнат бўлими	Мирзо Улуғбек	Пушкин к. 5
16	00	Мирзо Улуғбек бўлими	Мирзо Улуғбек	Истиқлол к. 25
17	0571	Мирзо Улуғбек бўлими	Мирзо Улуғбек	Дағистон к. 56
18	00	Тошкент вилоят бўлими	Шайхонтоҳур	Абай к.
19	00	Бектемир бўлими	Бектемир	Бойқаро к. 4а
		ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ		
20	0201	Марказий Оператив	Миробод	Гоголь к. 95
21	0231	Тошкент шаҳар бўлими	Миробод	Шевченко к. 29
22	0259	«Сарвар-савдо» дўкони	А. Икромов	Зиё Саид к. 187
23	0254	«Раис Ханум» хус. к	С. Раҳимов	Кора-қамиш мав. 1/4 25-уй

Бевосита ваколатли банклар муассасаларида фаолият юритувчи, марказлаштирилган тартибда маблағ билан таъминланадиган айирбошлаш пунктларининг ЖОЙЛАШИШИ

Тартиб рақами	Рўйхатга олиш номери	Банк муассасасининг номи	Манзили: Шаҳар	
		ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК		
		ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ		
1	0201	Қорақалпоқ рес. бошқармаси	Нукус шаҳри	Дўстназаров к.24
2	0201	Андижон вил. бошқармаси	Андижон шаҳри	Навоий шоҳ к. 39
3	0201	Бухоро вил. бошқармаси	Бухоро шаҳри	Муҳаммад Иқбол к. 3
4	0401	Жиззах вил. бошқармаси	Жиззах шаҳри	Ш. Рашидов к. 57
5	0201	Қашқадарё вил. бошқармаси	Қарши шаҳри	Ўзбекистон к. 219
6	0502	Навоий вил. бошқармаси	Навоий шаҳри	Халқлар Дўстлиги шоҳ кўчаси
7	0208	Наманган вил. бошқармаси	Наманган шаҳри	Наманганий к. 10
8	0201	Самарқанд вил. бошқармаси	Самарқанд шаҳри	Фирдавсий к. 7
9	0201	Сурхондарё вил. бошқармаси	Термиз шаҳри	Ал. Термизий к. 1
10	0501	Сирдарё вил. бошқармаси	Гулистон шаҳри	Ал-Хоразмий к. 24
11	0201	Фарғона вил. бошқармаси	Фарғона шаҳри	Ал-Фарғоний к. 69
12	0201	Хоразм вил. бошқармаси	Урганч шаҳри	Фаёзова к. 1
		ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК		
13	0402	Навоий вилоят бўлими	Навоий шаҳри	Халқлар Дўстлиги к.
14	0403	Чирчиқ бўлими	Чирчиқ шаҳри	Межканальная к. 1

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Кейинги пайтда айрим шахслар томонидан бўлажак пул ислоҳоти ва пул алмаштирилиши тўғрисида миш-мишлар тарқатилмоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки шуни қатъий таъкидлайдики, бу миш-мишлар ҳеч қандай асосга эга эмас. Миллий валютамиз — сўм Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона қонуний тўлов воситасидир ва пулни алмаштириш учун ҳеч қандай иқтисодий асос мавжуд эмас.

Марказий банкнинг асосий вазифаси миллий валюта барқарорлиғини таъминлашдан иборатдир. Ҳозирги пайтда ўтказилаётган пул-кредит сиёсати иқтисодиёт ва молиявий тизимнинг барқарорлашувини таъминлашга йўналтирилган ҳамда у халқаро молия ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

2 - бетга қаранг

БУХГАЛТЕРИЯ – ИҚТИСОДИЁТ КАЛИТИ

Истиқлол қонунлари

Ҳар қандай бошқарув тизими, у маъмурий ёки бозор бошқарув тизими бўлишидан қатъи назар, иқтисодий қарорлар қабул қилишда тегишли ахборот таъминоти тизимига муҳтож бўлади. Бухгалтерия ҳисоби бундай иқтисодий ахборотни тўплаш ва умумлаштиришнинг энг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисоби турли тизимларда турли вазифаларни бажаради ва турли мақсадларни назарда тутади. Шунинг учун ҳам бир иқтисодий тизимдан бошқасига ўтишда бухгалтерия ҳисоби тизими шунга мувофиқ тарзда ўзгартирилиши керак. Худди шу мақсадда «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси Абдурафиқ АҲАДОВ билан эндигина ҳаётга татбиқ этилаётган бу қонуннинг моҳияти ҳақида суҳбатлашдик.

— Абдурафиқ ака, аввало бозор иқтисодиётига ўтилганда бухгалтерия оддий ҳисоб-китоб тизими эмас, балки кўдратлироқ воситага айланиши қонунда қандай акс этганлигига тўхталсангиз.

— Бутун жаҳонда бухгалтерия ҳисобига халқаро иқтисодий муомала тили сифатида қаралади, шунинг учун ҳам бухгалтерия ҳисоби соҳасида туб иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш давр талаби ҳисобланади.

Ҳозирги кунда дунёдаги юздан ортиқ мамлакатда бухгалтерия ҳисоби ягона ёндашув асосида юритилмоқда, аммо ҳар бир алоҳида олинган мамлакатда иқтисодиёти, манталитети ва маданиятининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олишнинг халқаро андозаларини тўғридан-тўғри қўллаш йўли билан эмас, балки мана шу хусусиятларни назарда тутувчи ҳужжатларини қабул қилиш орқали ҳисобга олинади.

Бухгалтерия ҳисобини мукаммал қайта ташкил этишни жаҳонда қарор топган амалиётга мувофиқ келадиган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги тубдан янги, замонавий қонунни қабул қилмай, ислоҳотни амалга ошириш мумкин эмас. Қонуннинг қабул қилиниши бухгалтерия ҳисобини юритиш андозаларига нисбатан янги, бозор муносабатларига тўғри келадиган талабларни қарор топтиришни таъминлайди ҳамда Ўзбекистон Республикасидаги бухгалтерия ҳисоби тизимини ташкил этишда замин бўладиган асосий принципларини назарда тутади. Бундан ташқари, қонун хўжалик субъектларининг бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарликларини, шунингдек, бухгалтерия молиявий ҳисоботларини тақдим этиш ва эълон қилишга қўйиладиган талабларни баён қилади.

— Қонуннинг асосий мазмуни нима?

— «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун турли мулкчилик шаклларидаги барча корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардаги ҳисобни тартибга солишда ягона давлат тартибини таъминлайди. Бухгалтерия ҳисобини юритиш андозаларига талабларни белгилайди ҳамда Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби тизимини ташкил этишда замин бўладиган асосий принципларини назарда тутади. Бундан ташқари, қонун бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги ҳуқуқий асосларни мақсад ва вазифаларни, мажбурият ва жавобгарликларни, бухгалтерия ҳисоби принципларини, шунингдек, молиявий ҳисоботни тузиш ва эълон қилишга қўйиладиган талабларни белгилайди.

Бухгалтерия ҳисобининг давлат томонидан тартибга солиниши бозор иқтисодиёти шароитларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботнинг умумқабул қилинган халқаро андозалари талабларига жавоб берадиган тизимини яратишга йўналтирилган.

Қонун асосида қўшимча ҳуқуқий замин сифатида мажбурий норматив йўриқномалар яратилади. Бу йўриқномалар мулкдорлар, менеджерлар, инвесторлар, қарз олувчилар, кредиторлар, маҳсулот етказиб берувчилар, буюртмачилар, давлат органлари ва жамоатчиликни мумкин бўлган иқтисодий қарорларни қабул қилишда фойдали бўладиган ишончли молиявий ҳисобот учун махсус бухгалтерия ахборотини тўплаш ва тақдим этиш имконини беради.

Қурбон ЭШМАТОВ суҳбатлашди.

КОТИБ ЎЗГАРДИ

ЎзХДП Қоровулбозор туман кенгашининг пленумида ташкилий масала кўрилди. Ибодулла Нурманов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан пленум уни туман партия кенгаши биринчи котиби вазифасидан озод этди. Илгари туман ҳокимлиги котибияти бошлиғи бўлиб ишлаган Комил Рамазонович Ҳамроев ЎзХДП туман кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

Пленумда вилоят партия кенгашининг иккинчи котиби Салим Болтаев иштирок этди.

САФЛАР КЕНГАЙМОҚДА

ЎзХДП Вобкент туман кенгаши ҳудудий партия ташкилотлари сони яна иккитага кўпайди.

«Пахтакор» жамоа хўжалигида Гулистон ҳудудий партия ташкилоти тузилди. Унинг таркибида 27 аъзо бўлиб, аксарияти зиёлилардир.

Охунбобоев номидаги жамоа хўжалигида фаолият кўрсатаётган ҳар беш ҳудудий партия ташкилот ўз сафида 25 нафар энг фаол йигит-қизларни бирлаштирган.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ҳосил — 96

БУГУННИНГ АМАЛИ – ЭРТАНИНГ ТАМАЛИ

Бир хўжаликда шундай манзаранинг гувоҳи бўлдим: теримчиларга пул тарқатиш мақсадида кассани очиб киришса, ичини бир қарич чанг босибди. Чунки касса нақ икки йилдан буён бирор марта очилмаган, демакки, одамларга пул ҳам тарқатилмаган экан... Афсуски, бунақа ҳолат ҳозир кам учрайди дейиш қийин. Пешона тер тўкиб, ишлаб топган ҳақини у кўздан бу кўзгача ололмай юрган деҳқонлар бор. Айни пайтда пахтакорлар орасида иш ҳақини ойма-ой, ҳатто белгиланган кунда, сўммасўм санаб олаётганлар ҳам борлигини айтиб қўймоқчимиз. Жиззах вилоятидаги Дустлик нефть маҳсулотлари корхонасининг ёрдамчи хўжалиги деҳқонлари шулар жумласидан.

Бу ерда атиги уч киши — механизатор Дилшод Юсупов, сувчилар — Ёқуб Азизов, Қаҳрамон Нурмуродовлар ишлашади. Уччови ҳам чўлда тер тўкиб тажриба тўплаган, ердан ризқ-рўз ундириш ҳадисини олганлардан. Шу боиски, тасарруфдаги 20 гектар майдонда рисоладагидек деҳқончилик қилинмоқда.

— Ўтган йили шу майдонга буғдой экилган эди, — дейди корхона раҳбари Дустмурод Қодирқулов ёрдамчи хўжалик ҳақида сўзлаб, — дурусттина фойда қилдик. Бу йил ўзаро маслаҳатлашиб пахта етиштиришга қўл урдик. Чигит экиш, ғўзаларни парваришлаш ва бошқа ишлар оби-тобида ўтказилди. Бизда техника, ўғит, ёнилғи етарли, фақат виждонан ишланса бас. Деҳқонларимиз ишончимизни оқлаяпти. Бу йил етиштирилган пахта ҳосили чакки эмас. Биринчи теримдаёқ гектаридан 20 центнердан «оқ олтин» териб олдик. Бизга юқоридан ҳеч ким режа белгиламаган. Шундай бўлса-да, ҳар гектардан 35 центнердан ҳосил кутаришни кўзлаяпмиз.

Ёрдамчи хўжаликдаги ишлар билан чуқурроқ танишганимизда, бу ерда бирорта муаммо йўқлиги, барча эътибор ердан мўл ҳосил олишга қаратилганини пайқадик. Аслида деҳқончилик билан шуғулланувчи хўжаликнинг асосий вазифаси шундай бўлиши керак. Бироқ ҳозир қайси хўжаликка борманг, «маблағ йўқ, техника етишмайди, эҳтиёт қисмлар йўқ, у йўқ — бу йўқ», деган важ-карсонларни эшитасиз. Албатта, бу муаммолар исканжасидаги хўжалик экинлардан кўзланган ҳосилни олиши амри маҳол.

Ёрдамчи хўжаликда ҳосил йиғим-терими поёнига етмоқда. 2 та терим машинаси ва жамоа ишчи-хизматчилардан иборат ҳашарчилар кун сайин хирмонга барака киритяпти. Кўзланган марра эгалланиши шубҳасиз. Бу ердаги деҳқонлар ва уларнинг раҳнамоси — нефть маҳсулотлари корхонаси жамоаси эса ҳозирдаёқ янги ҳосил ташвиши билан яшашяпти. Узоғи билан икки ҳафта ичида пахта ҳосили батамом терилиб, ғўзапоялар ҳам йиғиштириб олинади. Тозаланган ерга ўғит сепилади, сифатли ҳайдалгач кузги дон экилади. Бунинг учун битта ҳайдов трактори, сеялка, ўғит ва уруғ тайёрлаб қўйилган.

Норбобо ШАКАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

СУРАТЛАРДА: Қўшработдаги «Оқ тепа» жамоа хўжалигининг Бекмуҳаммад Қўшонов бошлиқ 4-бригада аъзолари давлатга 240 тонна узум топшириши мўлжаллаган.

Ўнгдаги суратда эса М. Эрназарова ва Х. Эрмуҳаммедова.

А. ЗОИРОВ олган суратлар.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо тоқусидир!

БОШИ БЕРК КЎЧА

Агар хотирамдан фаромуш бўлмаган бўлса, эрамизгача яшаб ўтган юнон файласуфи Демокритнинг бир гапи бор эди: «Виждонли ва виждонсиз одамни нима қилгани билан эмас, нимани исташи билан ҳам билса бўлади». Зеро, кўнглини қабоҳат қоплаган, орзу-диёнатни нафсу давлатга алмаштирган, қадр-қимматни сийму зар билан ўлчайдиган инсонларнинг хаёли ҳам, орзу мақсади ҳам худди ўзларига ўхшаб қабиҳ ва калтабин бўлади. Тамизли одам ҳамиша эртанги куннинг хаёли билан яшайди, элу юртнинг ғаму ташвиши билан нафас олади. Бильакс, шундай инсонлар борки, ўзининг ғаразли ниятлари билан ўзгаларни ҳам йўлдан оздирадилар, айниқса, ёшларни боши берк кўчага олиб кирадилар.

Бобо Ривожиддинов Сирдарё вилояти дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмасида бош иқтисодчи вазифасида ишлаб келган. У хизмат мавқеини суиистеъмол қилиб, меҳнатсиз бойлик орттириш ниятида иқтисодчи Зуҳра Мўлдонованинг ишлатилмаган ишонч ваколатини номаълум шахс номига тўлғазиб беришни талаб қилади. Иши хамирдан қил суғургандек осон кўчган Ривожиддинов сохта ишонч ваколатига вилоят дон маҳсулотлари бирлашмасининг юмалоқ муҳри ва штампини яшириб босиб, мазкур бирлашма раҳбари ва бош ҳисобчи имзоларини сохталаштиради. Сўнгра Оқолтин дон маҳсулотлари комбинатидан маҳсулот олиш учун жиноий гуруҳ аъзоси Жиянов комбинатнинг тақсимот бўлими мудири Холбековга учрашади ва ўзини вилоят дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли фирма магазини мудири деб таништиради. У комбинатдан умумий баҳоси 223200 сўм бўлган 30 тонна унни сохта ҳужжатлар орқали олиб чиқиб кетади.

Ётиб еганга тоғ чидамас. 30 тонналик уннинг пули чўзилган оёқни йиғиштириб олгунча баракаси учди, тўла чўнтаклар бироз юпқалашди. Мўмай пулларни санашга ўрганиб қолган кўнгил тағин безовталана бошлади. «Иккинчи операцияни бошлаш керак!» Ривожиддиновнинг хаёлига шу фикр келди ва тезда ҳаракатга тушиб кетди. У даставвал муҳр ва штамп босилган янги ишонч қоғозини топди. Бош раҳбар ва бош ҳисобчининг имзоларини сохталаштирди. Сўнгра уни Жиянов ва топшириб тўлдиришни ва бланкада олувчи шахснинг имзоси кўрсатилишини тушунтирди.

Жиянов ишонч ваколатини номаълум шахс Анорбой Сафиев номига сохталаштиради. Ривожиддинов кўрсатмаси бўйича сохта ишонч ваколати билан омухта ем олиш учун Оқолтин ун комбинати тақсимот бўлими ходими Холбековга учрашади. Ундан омбор мудири Назаров ҳисобидан 40 тонна омухта ем олиш тўғрисидаги буйруқни қўлга киритади ҳамда комбинатдан баҳоси 10632 сўмлик 38 тонна омухта емни олиб чиқиб кетади. Жиноий гуруҳ аъзолари емнинг ҳар килосини бир сўмдан сотиб, тўплаган бойликни ўзаро бўлиб оладилар.

Ривожиддинов ва Жиянов-нинг нафси янада ҳакалак отиб кетади. Қинғир ишнинг янгича йўналишларини излаб топишга киришади. Ва кўп фурсат ўтмай Сирдарё туманидаги «Малик» деҳқон-фермер хўжалиги бошлиғига учрашадилар. Унга вилоят дон маҳсулотлари бирлашмасидан омухта ем олишда ёрдам беришини айтади ҳамда хўжаликнинг муҳри ва штампини олиб келишни сўрайди. Содиқов штампни ва муҳрни бир пастда муҳайё қилади. Шу вақтнинг ўзида Ривожиддинов Содиқовнинг кўзини шамғалат қилиб, муҳр ва штампни ишлатилмаган янги тоза ишонч ваколатларига босиб олади. «Малик» деҳқон-фермер хўжалиги бошлиғи ҳамда бош ҳисобчисининг имзоларини ҳам сохталаштириб, номаълум шахс — Тошбоев номига тўғрилайди. Аммо бу иш қалтис эди. Нимадир қилиш лозим. Охири бунинг ҳам иложини топди. Оқолтин дон маҳсулотлари комбинати ходимлари олинаётган маҳсулотнинг ноқонунийлигини сезиб қолмасликлари учун у комбинат бош ҳисобчиси Қулбаев номига хат ёзади. Хатда ишонч ваколати орқали маҳсулотни тезда беришни сўраб, омухта ем таннархининг 15 фоизини тўлашини айтган. Шундан сўнг югурдаги Жиянов комбинат кассасига 231-рақамли кирим ордери билан 4500 сўм пул тўлайди-да, комбинатдан 40 тонна омухта емни олиб чиқиб кетади.

Ҳамма нарсанинг ибтидоси ва интиҳоси бўлганидек, бу жиноятчи гуруҳнинг ишларига ҳам нуқта қўйилди. Улар қилмишларига яраша жазо олдилар. Аммо бу иш ушбу тизим ходимлари, бутун бир жамоа учун битмас доғ бўлиб қолди. Шунингдек, жиноятчи ҳеч қачон жазосиз қолмаслиги, қонун ҳамиша эл-юрт манфаати учун хизмат қилиши ҳам яна бир карра намоён бўлди. Юртбошимизнинг «Биз ҳуқуқий демократик адолатли давлат қуриш йўлидан боряпмиз. Биз мамлакат фуқаросининг кимлигидан қатъи назар, қонун олдида тенглигига, қонун устуворлигига эришишга интиламиз» деган гаплари ўз исботини топди. Аммо орамизда ҳали ўз нафси йўлида қонунни поймол қилаётганлар, эл-юрт ризқини қирқаётганлар ҳам бор. Баъзан қовун қовундан ранг олади, деганлари ҳам рост. Йўқса Боёвут туманидаги «Малик» ҳиссадорлик жамиятининг бош ҳисобчиси Эгамберди Тўлиевга нима етишмасди? У ҳам меҳнатсиз бойлик орттириш ниятида «Сирдарёконтракторг» ташкилоти бош директори О. Жабборов билан жиноий тил бириктириб, 32514 кг (баҳоси 553338,3 сўмлик) момиқ пахтани ғайриқонуний йўллар билан ўзлаштириб юборадилар. Яъни Тўлиев Усмонобод ХХСБга қарашли аралаш моллар дўкони мудири Холматов номига ушбу пахтани расмийлаштиради. Аслида бу маҳсулот дўконга кирим қилинмайди. Маҳсулот эса «Сирдарёконтракторг» ташкилоти раҳбари Жабборовга ҳеч бир ҳужжатсиз Қозоғистон Республикасида сотиш учун бериб юборилади. Жабборов ўз навбатида 32514 кг. пахта момиғини сохта ҳужжатлар асосида «Сирдарёконтракторг» ташкилоти билан Қозоғистоннинг Чимкент шаҳридаги «Салтанат» фирмаси ўртасида тузилган 50 тонна «Вата прима» маҳсулотини металл қувурларга айирбошлаш тўғрисидаги сохта шартномани вилоят ҳокимлигига, божхона хизмати ходимларига, Гулистон шаҳар «Пахта» банкига, темир йўл идораларига тақдим этади. Улардан рухсат олгач, 44,1 тонна момиқ пахтани «Вата прима» ва «Вата швейная» маҳсулотини, шу жумладан Холматов номига олинган 32514 кг. момиқ пахтани ҳам Гулистон — Пахтаорол темир йўли орқали Қозоғистон ҳудудига олиб ўтмоқчи бўлганида Сирдарё вилояти ҳуқуқ-тартибот ходимлари томонидан ушланди.

Жиноятчилар ҳақли равишда ўз жазосини олди, узоқ муддатга озодликдан маҳрум бўлишди.

Дарҳақиқат, жиноят инсонни ҳамиша боши берк кўчага етаклайди. Нафс балоси, муваққат айшу ишратлар жилваси домига тушганлар била туриб шу кўчага бош суқадилар. Бу залолат кўчасида пешонаси ғурра бўлганлар, ҳатто бошидан айрилганлар камми? Юқорида зикр этилган жиноятчилар ҳам ана шу кўчанинг истиқоматчиларига айланди-қолди. Ваҳоланки, улар бу ерга келишларини ҳеч ким мажбур этган эмас.

Бу воқеалар нафақат жиноятчилар учун, балки бугун ҳуқуқий демократик давлат сари бораётган ҳар биримиз учун аччиқ сабоқ бўлмоғи лозим.

Норбой БОБОЕВ, Сирдарё вилояти прокурори ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси.

ТАБИИЙ ГАЗГА НИМА ЕТСИН!

Қарор ва ижро

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 майдаги «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Тошкент вилоятининг барча туман ва шаҳарларида ҳам аҳолини тоза ичимлик суви ҳамда табиий газ билан таъминлаш, турли маиший-маданий иншоотларни барпо этиш ишлари кенг кўламда олиб борилаётир.

Биргина Қибрай туманида бугунги кунда 160 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Аҳоли истиқомат жойлари эса тўла газлаштирилган. Шундай бўлса ҳамки, жойларда янги қурилишлар давом этяпти. Бир қатор ҳудудларда ўнлаб оилалар янги уйларга кўчиб ўтишмоқда. Туман газлаштириш идораси янги қурилаётган хонадонларни ҳам хушнуд этиш мақсадида 6 километр масофага газ қувурларини ўтказиш ишларини ўз маромига етказди. Бирлик, Қизилту, Қипчоқ, Тўқай маҳаллаларида қад кўтарган янги уйларда қурилиш ишлари тўла тугалланмасиданоқ хонадонларга «зангори олов» кириб келди. Худди шунингдек, бу борада Янгийўл туманида ҳам талай амалий ишлар қилинмоқда.

Дастурга мувофиқ, туман қишлоқларида умумтаълим мактабларини қуриш, уй-жой қурилиши, водопровод ва табиий газ тармоқларини ривожлантириш, савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш ўчоқлари қурилишини жадаллаштириш, алоқа боғламаларини такомиллаштириш (телефонлаштириш)га алоҳида аҳамият берилмоқда.

Тумандаги «Халқобод» қишлоғининг «Миришкор» бўлимида 320 ўқувчига мўлжалланган мактаб биноси янги ўқув йилида фойдаланишга топширилди. Ундан ташқари, «Қовунчи» жамоа хўжалигида 420 ўринли ана шундай мактаб биносини қуриб, янги йил бошларида ишга тушириш кўзда тутилган. 2001-2005 йиллар мобайнида 1040 ўқувчига мўлжалланган умумтаълим мактаби ва яна 2 та қўшимча бошқа бино қуриш режалаштирилган.

Қабул қилинган қарорга ва тасдиқланган дастурга мувофиқ, туман қишлоқ ҳудудларида шу кунгача фаолият кўрсатиб келаётган фельдшер-акушерлик пунктлари ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш муассасаларини қишлоқ даволаш жойларига айлантириш, туман соғлиқни сақлаш тизими тузилмаларини такомиллаштириш мақсадида 1996 йилдан то 2000 йилгача бўлган даврда ичида қишлоқларда 3 та шундай тармоқни вужудга келтириш, 2 та қишлоқ даволаш амбулаториясини қишлоқ даволаш пунктига айлантириш режалаштирилган. Ҳозир эса ушбу биноларни барпо этиш ва такомиллаштириш учун 12 ярим миллион сўм маблағ ажратилиб, қурилиш ишлари давом эттирилмоқда.

Қишлоқ маҳаллаларини табиий газ билан таъминлаш, аҳолининг оғирини енгил қилиш мақсадида 1996 — 2000 йиллар давомида 111 км. масофага газ қувурларини ўтказиш аниқ режа асосида дастурга киритилган бўлиб, шундан тумандаги Мирзабобоев номли жамоа хўжалиги ҳудудига — 15 километр масофага табиий газ қувурлари тортилган бўлса, жорий йилда Ҳ. Турсунқулов номли жамоа хўжалигининг «Охунбобоев» маҳалласи аҳли «зангори олов»дан баҳраманд бўлдилар.

Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини янада такомиллаштириш, уларнинг талаб-эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда жойларда савдо, умумий овқатланиш ва маданий-маиший хизмат ўчоқларини барпо этиш, халқ дардига дармон бўлиш, улар тақдирига бефарқ қарамаслик маҳаллий раҳбарларнинг, қолаверса, барчамизнинг кундалик юмушимизга айланмоғи лозим. Зеро, ҳаммамиз халқ тақдири олдида бирдек масъулмиз.

Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Кекса кўнгил дуоси

ҚАРИ КЕЛСА — ОШГА...

Мен ҳозир 95 ёшдаман. Эллик йилдан ортиқ хўжалик раҳбари, туманда ижроқўм раиси ва бошқа турли масъул лавозимларда ишлаб келдим. Қатор орден ва медаллар билан мукофотланганман. Пайариқ туманидаги жамоа хўжалигида раис бўлиб ишлаб нафақага чиқдим.

Яқинда ЎзХДП Пайариқ туман кенгаши ташаббуси билан афғон урушида ҳалок бўлган неварам Абдураззоқ Неъматов номидаги 4-ўрта мактабда мен билан учрашув бўлди. Хўжалик ёшлари менинг 95 ёшимни қутлаш учун келдилар. Мен умр йўлларимни эслаб, ўтганлар руҳини ёдлаб болаларимга ибратли воқеаларни айтиб бердим. Ўша куни ХДП туман кенгаши ходимлари менга совға-салом, Фахрий ёрлиқ иньом қилишди, тўй кийгиздилар. Биз каби фахрийларга кўрсатилаётган бундай иззат-икром ҳаёт бошида турган ёшларга яхши намуна бўлади.

Файзи БОТИРОВ, меҳнат фахрийси.



АФҒОНИСТОНДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

«БИ-БИ-СИ» радиосининг айтишича, Афғонистон шимолида, яъни Кобулдан юқорида шиддатли жанглар давом этмоқда. Ўтган ой охирида пойтахтни қўлга киритган «Толибон» ҳаракати Баграм шаҳарчасида қўзғолон юз бергани, аммо уни бостиришга муваффақ бўлгани ҳақида маълум қилди. Ўз навбатида Баграмдаги Толибон аскарлари мухбирлар билан суҳбатда ағдарилган афғон ҳукумати қўшинлари маҳаллий аҳоли ёрдамида қайта ҳужумга ўтганларини билдирдилар. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўз хавфсизлигини таъминлаш учун Кобулдаги ўз ходимларини қўшни Покистонга жўната бошлади.

Рейтер агентлиги хабарига қараганда, «Толибон» ҳаракати бугунги кунга келиб Афғонистоннинг учдан икки қисмини, шу жумладан пойтахтни қўлга киритган бўлсада, бу билан фуқаролар уруши тўхтамайди. Афғонистон учун энг хатарли нарса шуки, ҳозирги пайтда мамлакат шимол ва жанубга бўлинган. Аммо минтақадаги ҳозирда вужудга келган вазият, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг махсус элчиси Мери Гоудрининг айтишича, барча афғон гуруҳларини тинч музокараларни бошлашга мажбур этиши керак.

ПИТЕРДАГИ УЧРАШУВ

Санкт-Петербургда боди билдинг бўйича халқаро «Гран-при Россия—96» беллашуви бўлиб ўтди. Дунёнинг 13 нафар кучли культуристлари ичида югославиялик Нассер Эль Сомбати ғолиб деб топилди.

— Судьяларнинг «танлов» услуби ёқди, — дейди турнир ғолиби. — Бу сафарги танловда иштирокчиларнинг титули, аввалги ютуқлари эмас, бугунги "ташқи" кўриниши эътиборга олинди. Иккинчи йилдирки, Нева бўйидаги мусобақада қатнашяпман.

Санкт-петербурглик Станислав Бобин эса ўн биринчи бўлиш билан чекланди.

САМО ЖИСМЛАРИДАН САҚЛАНИНГ

Камберредаги Австралия-Янгизеландия олимларнинг илмий симпозиумида Аделанде университетининг профессори Дункан Стил қатнашчиларга ҳар йили миллионлаб доллар маблағ авиайўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлашга сарфланиши беҳуда эканини маълум қилди.

Олимнинг таъкидлашича, авиаҳалокатдан кўра, инсоният самовий жисмларнинг «ҳужуми»дан кўпроқ талафот кўради. Ҳозиргача фанга ерга тушган 200 та шундай улкан астероид-жисмлар мавжудлиги маълумдир. Шулардан 25 таси Австралия ҳудудига тўғри келади.

3 - бетга қаранг

БУХОРО ИНШООТЛАРИ. Ҳайдарали ҚУРБОНОВ олган сурат.

Ҳаёт дафтарини варақлаганда

Мақсуд ҚОРИЕВ

ЯХШИЛИК ҚИЛГАН ИНСОННИ ИЗЛАЙМАН

«Қиёмат қарз»ни[1] ўқидим. Инсон саховати, ҳамиятли ишлари хусусида кўп ибратли сўзлар дебсиз. Ўйлаб қарасам, ҳаёт гўё оқар дарёдек ўтиб кетибди. Ажиб бир дунё экан. Инсонлардан қоладиган нарса — савобли, саховатли ишлар, бировларга кўрсатилган эътибор, эътиқод. Билингки, инсон дунёга яхшилик қилиш учун келади. Бас, шундай экан, ибратли, ҳамиятли ишлар қилмоқ Аллоҳ яратган бандасининг яшаш қонуни, турмуш тарзидир.

Билсангиз, менга умр бўйи яхшилик қилган бир инсонни излайман. Бошимга бир оғир кулфат тушиб, нима қиларимни билмай, ноилож аҳволга тушиб қолган чоғимда у одам бутун умримга татийдиган шундай бир яхшилик қилдики, мен уни ҳеч қачон унутолмайман. Худди Ҳизр йўлиққандай. Муҳими шундаки, қилган олижаноблиги хусусида бирор кишига оғиз очмади, ўзимга ҳам. Қидирдим уни, изладим, қилган яхшилигига ўн баробар яхшилик қилай деб. Қайда дейсиз, ҳеч қаердан тополмадим.

Баъзан ўйлаб-ўйлаб менга яхшилик қилган одам мана шу ўртоғим эмасмикин, деб хаёлга чўмаман, иззат-икромини жойига қўяман, балки бошқа дўстимдир, деб унга ҳам қўлимдан келганча навозишлар кўрсатаман. Устозларим кўз ўнгимда намоён бўлади. «Ўша олижаноб инсон шу киши бўлса керак» деб уйига йўқлаб бораман, мени очиқ чеҳра билан кутиб олади, юзларида табассум, меҳр кўраман.

Ҳа, азизлар, ўша меҳридарё одамни сўроқлаб, ахтариб, ҳечам тополмадим. Ўша инсон туфайли бутун ҳаётимни эзгуликка бахшида айладим. Ҳа, мени инсонларга яхшилик қилишга ўргатган устозим, муаллимим ўша номаълум, олийҳиммат, меҳридарё инсон!

Яна бир гап: мен эътиқод қўйган, ғоят икромлаган бир қадрдон инсон бор эди. Ростини айтсам, ҳаётимда ҳамиша унга тақлид қилдим. Илгарилари қишлоқ мактабида оддий ўқитувчи эди. Жонкуяр, камтарин, математикадан дарс берса ҳам, олам илмларидан бохабар кенг фикрли зиёли эди. Ўз ақли-идроки билан оддий ўқитувчиликдан мактаб директори бўлди, кейин Маориф вазирлигига эътиборли ишга ўтди. Ўшанда кўнгироқ қилиб:

— Дўстим, янги лавозимлар қутлуғ бўлсин, — дедим.

— Қўнғироқ қилганингдан бошим кўкларга етди, вақтинг бўлса кечқурун уйга кел, бир отамлашамиз, — деди самимийлик билан.

